

**Андижон давлат университети**

**Тарих ва ижтимоий фанлар факультети**

**Умумий тарих кафедраси**

**5120300 – “Тарих” (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)**

**таълим йўналиши 3 – курс талабалари учун**

**“Нумизматика” фанидан**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**Андижон - 2014**

## Маъруза матнлари

### МАНЗУ: Антик давр тангалари “Ахмоний Аршакий ва Сосоний” шаҳаншоҳларининг тангалари

#### РЕЖА:

1. Нумизматикани ўрганилиши тарихидан
2. Тангаларни зарб қилина бошланиши
3. Антик даврларда пул зарб қилишни йўлга қўйилиши.
4. Антик давр тангаларини нумизматика фани олидидаги аҳамияти.

#### АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Мулоқот” 5-сон, 1998 й
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Тошкент 1997 й
3. М.Е.Аминжонова Қадимий ёдгорликлар қиссаси . Тошкент 1968 й
4. Эрназарова Т.Қочнев Б. “Тангалар ўтмиш даракчилари” Тошкент 1977
5. В.Б.Қобрин Вспомогательные исторические дисциплины. Москва, 1984 й
6. Аюпова Ф. “Қадимий тангалар, Мозийдан садо” 2000 йил 1-2 сон

Нумизматика сўзи грекча “nomisma” яъни танга пул чақа пул деган маънони англатади. Қадимги танга пул ва медаллар ҳақида маълумотлар беради.

Бу фан археология билан алоқадор фанлар жумласидандир. Нумизматикага археология ёрдам беради.

Нумизматика билан қизиқувчан доираси бирданига кенгайган эмас, танга, чақа пулларни коллекциясини тўплаш илмий нумизматика томон дастлабки кадам бўлди. Коллекционерлар турли замон ва даврлардаги танга ва чақаларни тўплаб уларни (каталог) рўйхатларини тузганлар. Ҳар қасисини таърифини келтирганлар. Уларнинг кўпи қадимги тилларни билганликларидан танга ва чақалардаги хатларни ўқишга ҳаракат қилишган. Айримлари тўплаган коллекцияларини бир жойга тўплаб умумий коллекция ташкил этган. Европадаги кўп мамлакатларда сарой ҳузурида катта-катта танга пул коллекцияларидан “мюнцкамералар” ташкил этганлар. Дастлабки тангалар доирасини кенгайтириши илмий нумизматикани вужудга келиши учун. Замин ярата бошлади.

Илмий нумизматика вужудга келиши И.И.Эккель (1707-1798) номи билан боғлиқ. У “Қадимги танга пуллар ҳақидаги фан” номли 8 томлик асар ёзган. Бу асарда 70 минг танга пулни аниқлаб, туркумларга ажратган. Аниқлай олмаган танга пуллар тўғрисида гапирмаган, уларни номаълумлар қаторига қўшиб қўйган, лекин у кўп мамлакатларни танга пулларини аниқлай олмаган.

Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари қадимги тарихини ўрганиш учун самарали манбалар берди. Улар орасида танга пуллар ҳам бўлган XVIII

шарқий нумизматикага бир неча минг танга пул бўлган лекин уни текширувчи бўлмаган.

Улар орасида танга пуллар ҳам бўлган XVIII асрда шарқий нумизматика бир неча минг танга пул бўлган лекин уни текширувчи бўлмаган. Шунинг учун Россия фанлари академияси академик Х.М.Френни чақиртиришган. У шарқий нумизматика асос солган шахс ҳисобланади. Қозонда истиқомат қилиб олтин ўрда ҳоллари томонидан зарб қилинган материалга эга бўлган.

Уни Германияга чақиртиришганда, Германияга кетаётиб, Петербургда тўпланган тангаларни кўргач уни ташлаб кета олмаган ва бутун умрини шарқ танга пуллари ўрганишга бағишлаган.

Бундан ташқари Ўрта Осиё нумизматика тадқиқотчилари орасида М.Е. Массон, В.А.Клишкин, Е.А.Давидовичлар салмоқли ўринларни эгаллайди.

Улар қадимги Ўрта Осиё танга пуллари аниқлаб турларга ажратди ва зарб қилиш ишидаги ривожланишни асосий босқичини белгилади.

Пулни пайдо бўлиш ҳақида афсоналар бор. Римликларни худоларини орасида истироларни бошқарадиган худолари ҳам бўлган. Унинг иккита юзи бўлиб, оти Янус экан. Дастлаб танга пулни у ихтиро қилган эмиш. Шунинг учун Рим, Италия пуллари бир томонида икки юзни Янус суръати иккинчи томонида Янус тушиб келган кема суръати зарб қилинган.

Танга пуллари дастлаб қаерда пайдо бўлганлигини аниқ айтиб бўлмайди. Аммо танга пулни номи “монета” элликларда туғилган. Қадимги Римликлар худоларни ҳаммаси ер ва осмон подшоси юпитер ва унинг хотини Юнон Монетага бўйсунди деб билганлар.

Монета мураббия дегани бўлади. Римликлар маъбуда Юнон Монетани ҳурмат қилганлар ва унга атаб энг баланд жойга ибодатхона кўрганлар. Римликлар урушларда ғалаб қозонгандан кейин ўз маъбудаларига атаб қурбонликлар қилишган, хатто ўз пуллари фақат юнон манета ибодатхонасида зарб қилишга буйруқ берган. Шундан буён танга *пуллар монета* деб аталадиган бўлади.

Қадимги дунёда танга пуллар фақат соф олтин ва кумушдан зарб қилинган бу тангалар соф бўлганлиги учун мўрт бўлиб тез ейилиб кетган. Шундан кейин пуллар қотишмалар; олтин, кумушга, мис ёки қалай аралаштирганлар.

Ҳар бир мамлакат ҳукмдори, бошқаларниқидан фарқ қиладиган танга пуллар зарб қилган.

Танга пуллари одатда бетини ўраб олган доираси бўлади. Бу доирада ёзув ёки суръат бўлади. Нумизматлар ёзувни танга *пулни легендаси* деб атайдилар. Суръатларда подшолар худолар суръати зарб қилинади. Бу суръат давлатни ёки подшони муҳрини акс эттиради.

Қадимги Грецияда танга пулларга кўпроқ худолар ва маъбудалар ва муқаддас ҳайвонларнинг суръатларини зарб қилганлар.

Масалан: Афина шахрини тангасида маъбуда Афинани суръати Олимпия танга пулларида Зевс суръати зарб қилинган. Баъзан бу суръат ёнида бирон бир диний удумни ифода қилган расм ҳам зарб қилинган.

Араб халифалигида суръат солиш одат бўлмаган. Пулни бетларида ёзувлар бўлган, бир томонда қуръондан оят. Иккинчи томонида “Муҳаммадир расулulloҳи” деб тагига ҳукмдор халифа номи ундан пастда танга зарб қилинадиган вилоят хокимини номи ёзилган.

Шарқдаги танга пуллар *динор, дарҳам ва фельс* деб аталалган.

Тарихдан маълумки Ўрта Осиёда танга зарб қилиш қадимги мавжуд айниқса Грек-Бактрия подшоларини пуларидан равшан бўлади. Грек-Бактрия олтин, кумуш тангаларини топилган. Бу тангаларни бир томонида ғалати бош кийимида подшо суръати, иккинчи томонида машҳур антик хайкалчаларга ўхшатиб, худо суръати солинган булардан ёзувлар грекча бўлиб, кейинча Деметрий подшолиги давридан икки тилда грек ва хинд тилларида ёзувлар билан зарб қилинадиган бўлган. Эрамиздан аввалги 1 асрида Хоразм кучли давлат бўлган лекин пулларини грек бактрия танга пулларига ўхшатиб зарб қилган.

Ўрта Осиёда араблар босқини давридаги пуллари, арабларникидан фарқ қилмайди. Бу юртдан кейин пуллари арабларникига ўхшайди.

Х асрда Ўрта Осиё давлатларида пул зарб қилиш марказлаштирилди танга пуллар подшоларга қарашли зарбхоналарда зарб қилинган.

Танга пуллар зарб қилишда 2 хил усул билан ишланган қуйилган ва зарб қилинган.

1. Метални эритиб қолипга қўйган.
2. Метални икки штемпел орасида олиб қаттиқ сиққанлар, штемпеллар қисқич шаклида бўлган. Юқориги штемпелда ўнг томон суръати, қуйи штемпелда чап томонида ҳайвон суръати уйилган.

### **Пул бирлиги.**

Аверс- (лотинча “адверсус”) сўзидан олинган бўлиб кимгадир ёки нимагадир мурожат маъносини билдиради-топгани ўнг томони

Реверс-тангани орқа томони

Тўрт-тангани чекка томони

Ибтидоий муносабатлар инқирозга учраб жамият табақалашганидан сўнг. Жамиятдаги эркин кишиларни, уларни судхўрлардан ҳимоя қилиши мақсадида. Хусусий, қонуний муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш зарурати кучайди. Давлат вазифаларни қонунчилик йўли билан ҳал қилишга ўринган.

Масалан: Эшнунн подшоҳи (мил.ав. XX аср) ва Ҳаммурали қад.мил.ав. XVIII аср диққатга сазовардир. Бу эса товар пул эттиради. Бу қонунларда кўзланган асосий мақсад фуқаролар мулкани ҳимоя қилиш ёки шундай шароит яратишдан иборат эди. Асосий эътибор серой, ибодатхона мулкани ҳамда вавилонлик фуқаролар ва давлат хизматчиларининг асосан ҳарбий мулкани ҳимоя қилишга қаратилган.

Мамалакатимиз эр.ав. I минг йилликда Эрон Ахмонийларини ҳукмронлиги ўрнатилган бўлиб бутун империя 20 та сатрапияга бўлинган ҳар бир сатрапияга страп тайинланган.

Ахмонийлар империясида Доро I томонидан маъмурий молиявий ер ва пул ислохотлари ўтказилган. Ўрта Осиё ҳам кирган.

2. Ҳар йили 1100 талант миқдориди (1 талант 3 кг кумушга тенг) солиқ тўлаган. Бу қонунлар юнонлар ҳукмронлиги даврида ҳам сақланган.

Ўрта Осиёда Юнон-бактрия ҳукмронлиги даврида кумуш пуллар зарб қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Эронликлар сатрапларга кумуш пуллар зарб қилиши руҳсат берган.

Метал тангалар залб этилгунга қадар турли мамлакатларда бозор учар олди сотти ишларида овқатга солинадиган турли масалликлардан фойдаланган. Мол айрибошлаш сотиш ва харид қилишда ҳар жойда ҳар хил масалликлар баҳо эталони сифатидангина эмас хатто оғирлик ўлчови сифатида ҳам фойдаланилган. Масалан. Ибн Сино, Беруний асарларида дори дармонларни қадоқловчи ўлчов сифатида данак (ўрик данаги), жавза (ёнғоқ), бавза (бодом), шиъара (арпа дони), нўхат (нухат), боқилло (ловия), аруза (гуруч) каби масалликлар қадоқ тош вазифасини ўтаганлигини билиб оламиз.

**Балиқ пуллар.** Археолог олимлар қадимни Новгород шаҳри тарихини ўрганиш мақсадида қазув ишларини олиб бораётган хатларни топилган. Бу XIII асрга оид бўлиб ўша даврда қоғоз ва метал пуллар низомларга киритилган бўлишига қарамай қадимги удумга кўра бозорларда нарх навони белгиловчи эталон сифатида *ласос* балиғидан фойдаланилган. Исландияда ҳам ўртача катталиқдаги *треско* балиғи пул бирлиги вазифасини ўтаган.

**Мурч пуллар.** Ўрта асрларда Цейлон Ява ороллари ва Ҳиндистон мамлакатига қатнаб юрган савдогарларни “пул қопи” деб эмас балки “мурч қопи” деб атаганлар. Чунки бу пайтларда мурч тилла каби қадри бўлган ва бир қоп мурчга эга бўлган киши бой ҳисобланган. Мурч дони бозорларда танга вазифасини ўтаган бўлиб, кимга нима керак бўлса мурчдан санаб бериб, олиб кетаверган. Бу пуллар Перу ва Боливияда амалда бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

**Какао пул.** Мексикада то XVI аср гача ловия ҳамда какао дони “пул” вазифасини ўтаган.

**Хурмо пул.** Араб саҳроларида кўчманчилар учун пул вазифасини хурмо меваси ўтаган.

**Чой пуллар.** Монголияда ўрта асрларда бир бўлак тахта чойга битта кўй ёки эчки ёки 2 та тери ёки битта кигиз алмаштириш мумкин бўлган. Буни Марко Поло ўз сайёҳатномасида қайт этган.

**Туз пуллар.** Африка қитъасининг туз танқис жойларида бир ҳовуч тузга бир ҳовуч тилла алмаштириш мумкин бўлган. Шу даврларда Африкага борган сайёҳатчиларнинг айтишича туз пул вазифасини ўташи билан бирга туздан пул ясаганлиги тўғрисида маълумотлар қолдиришган. Яъни тузнинг катта кристалардан эни 5 см узунлиги 65 см оғирлиги 640 гр келадиган тахтакач қирқиб олиб, 4 га бўлинадиган тайёрлашар экан, мана шундай туз бозорларда харид вазифасини ўтаган. Кимга керак бўлса бутунлигича ёки бир бўлагини “қирт” этиб синдириб олиб кетаверган. Марко Поло XIII асрда туз пулларнинг қандай тайёрланиши Хитойга бориб ўз кўзи билан кўрган. Танга тайёрлаш учун сувли идишга туз солиб эрита берар эканлар намақоб жуда кўйилиб туз эримайдиган бўлганда оловга қўйиб қайнатилар экан у қайнаб кўйилиб бамисоли ҳамир ҳолатига келганда ёнғоқдай зувалачалар ясаб устига император муҳрини босиб ясси дискалар ҳосил қилинар эди. Сўнгра буларни обдон қизитилган фиштар юзасига териб маҳсус ўчоқларда қовурилган. Шундан сўнг туз пуллар метал тангалардай жиринглайдиган ва синмайдиган бўлган.

**Қаттиқ нон пули.** Аляскани кашф қилиш даврида у ерга борган сайёҳатчиларнинг маълумотларига қараганда бозордаги олди сотти масаласида пул вазифасини қаттиқ нон ўтаётганлигини кўриб ҳайрон

қилишади. Нон маълум катталиқда қилиб кесилиб печкада қуритилиб сухари қилинар эканда бунга хоҳлаган нарсани алмаштириб ола берар экан.

**Пишлоқ пул.** Масаллиқ пуллар фақат ўтмишдагина эмас бизнинг асримизда ҳам мавжуддир. Масалан: Бутан мамлакатада бу Химолай тоғларининг шарқида жойлашган кичкина қироллик бўлиб бозорларида пишлоқ пул вазифасини ўтайди.

Эндиликда маҳаллий “тикчун” деб аталувчи метал тангалар ҳинд жорий этилган бўлишига қарамай олди сотти ишларида маълум катталиқда кесилган пишлоқ ҳам нарса харид қилиш мумкин ёки қоғоз пулнинг қайтилишига сотувчи бир бўлак пишлоқ берса харидор рози бўлади.

**Гуруч буғдой, майиз, қуртоб, нон пуллар:** қадимда мамлакатимизда, чекка жойларда юқорида кўрсатилган масаллиқлар пул вазифасини ўтаган.

Масалан биронтаси пул қарз олган бўлса, томонлар ўзаро келишиб, майиз, гуруч ёки майизнинг баҳоси қанча эканлигини аниқ билиб келишиб олишган.

Овчилик билан шуғулланадиган халқларда хайвон териси, деҳқончиларда вино, дон ўсимлик ёғи пул хизматини ўтаган.

Спарта, Рим Карфаген каби қадимий давлатларда ҳам тери муомилада бўлган Қадимий Скандиновия давлатларида хатто жарима ҳам тери билан тўланган. Ўша пайтда қонунларга мувофиқ бировни *ҳақорат қилган- тулки териси, шапалоқ ўрган-сувсар терисини* беришга жароҳат етказгани эса кундуз терисини беришга мажбур эди.

Тери пул вазифасини ўтаган давр изларини баъзи бир халқларнинг тилида қолган. Масалан Эстонга “раха”-пул дегани. Кўхна муғулистонда тошчой–пул вазифасини ўтаган, тошчойни чой ва ёввойи ўсимликлар баргига бузоқ қони шимдирилиб ғиштсимон шаклда преслаб печкада қуритилган, ҳозирда ҳам севиб истеъмол қилишади.

Ҳар бир ғишт тошчойнинг оғирлиги бир ярим килограммга яқин бўлган.

Тақинчоқлар ҳам пул вазифасини ўтаган. Хатто денгиз чиқаноқлари ҳам пул вазифасини ўташган. Масалан қаҳри, чиғаноқлари. Уни шаклига қараб илон калла ҳам дейишган. У ер юзининг шимолий томонларида кўп тарқалган. *Хитой, Цейлон, Сиём ва Африкада* ҳам билишган.

Шимолий Америка ҳиндуларида пул вазифасини цилиндр шаклидаги чиқаноқлар қадаб безалган *вампум* деб аталувчи тери тасмалари ҳам ўтар эди. Вампум фақатгина безак бўлиб қолмай хурмат белгиси ҳам эди, қабила бошлиғини вампуми унинг ҳукмронлик белгиси ҳам эди.

Рим Императори Каликула ҳам денгиз соҳилидаги оддий чиғаноқларни йиғиб олишга буйруқ берган ва уни пул деб эълон қилган. Лекин у ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган режаси иш бермаган.

X асрда араб сайёҳларини ривоятларига кўра чиғаноқлари ватани Лаккадив оролларида қиролчаси каликуга эриша олмаган мувафакиятга эришган у хазина бўшаб қолганида қоқос палмаси шохларини денгизга ташлашга буйруқ берган, шохларга кўплаб қаҳри чиғаноқли моллюскалар ёпишиб қолган уларни териб тайёр пул ҳолатига келтирилган.

Денгизнинг сол-қоп деб аталадиган майдонида чиқанокларидан ҳам пул сифатида фойдаланилган. Уни тинч океанининг Ванкувер оролида йиғиб олишган, шакли жиҳатидан бу чиқаноклар митти фил тишига ўхшайди.

Қоролина ороларида ажойиб пул, тегирмон тошсуяк тош пуллар бўлган.

Йирик тош пулларлардан ташқари майдаланганига керак бўладиган чақа “тошпуллар” ҳам бўлар эди.

Бошқа турли туман буюмлар ит тиши одам ва ҳайвонларнинг бош суякги, калампир похол белкўрак пахта бир парча газлама тамаки барги ҳам пул хизматини ўтаган.

Королина ороларида ажойиб пул тегирмон тошидек тош пуллар бўлган. Бу тошлар Палаусса ороларидан келтирилган. Тош қанчалик катта бўлса баҳоси шунчалик бланд эди. Йирик тош пуллардан ташқари майдалашга керак бўладиган чақа тош пуллар ҳам бўлган.

Жаҳондаги маълум халқларнинг тилида пул ва ҳайвон сўзларини мужассамланганлигини кўришимиз мумкин. Масалан: қадимий Римликлар пул ва ҳайвонни “пекуния” греклар эса “ктема” дейишган. Бу ҳозирги ҳамон тилларида ҳам сақланиб қолган. Инглизча “импиктаюниэс” сўзи пули йўқ одам дегани сўзма сўз таржима қилинса “ҳайвони йўқ деган ”маънони англатади. Дунёдаги кўпчилик халқлар ўртасида ҳайвон бойликни кўрсатувчи восита бўлган.

Гомернинг шеърларида қаҳрамонларнинг бойлиги ихтиёридаги чорваси билан белгиланган. Қадимий герман қабилаларида ҳам бойлиги қанча моли борлиги билан ўлчанган. Қадимий Эронда табибларга хизмат ҳақига ҳайвон берилган. Бу одат ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Уй рўзғор буюмлари, қуроллар, болта пичоқ, жуводиз, мих, камон ўқини учи найза идиш бўлган, буларга ҳамма товарларни алмашаверган. Аммо бора-бора булардан баъзилари алоҳида товўр пул бўлиб қолган. Немис тангачасининг “пфенинг” деб аталишининг ўзи унинг келиб чиқишига дарак беради. Аслида бу товадир.

Шарқ пичоғи ҳам шундай бўлган аввалига унинг Ўзунлиги етти дюйм, оғирлиги етти юз қирқ грам бўлган. Бу кўрол бўлган ўз вазифасини бажариб бўлгач тиғ ва соп цнга керак бўлмай қолган. Пичоқ махсус пул шаклига халқа қолига кирган. Халқани ипга шодалаб ўзлари билан бирга олиб юришган хатто металдан махсус пул ясай бошлаганларида ҳам улар одатга кўра узоқ вақтгача пулни турли буюмлар шаклида ясаганлар. Масалан: Хитойда ўша даврнинг кейинги шаклидаги бир парча метал “кўйлак” пуллар бўлган.

Аста секин металдан ишланган пуллар ўзларининг мустақил шаклига эга бўлган.

Мексикада бу пуллар “Т” харфига мисдан қуйилган. Ҳинди Ҳитойда йўғон мис қивиклар, шимолий Америкада кўрғошин соққалар, африкада тақага ўхшаш темир парчаси, қомбоджада темир ромбачалар пул хизматини ўтаган.

Қадимий грекларда тўрт қиррали темир чивиклар пул сифатида хизмат қилган, пул бирлигига олтита темир чивик қабул қилинган бўлиб, буларнинг бир сиқим (драхма) қилиб ушлаш мумкин. Драхма номи ана шундан келиб чиққан.

Олтин асосий метал пул бўлиб бутун жаҳонда ғалаба қилди. Олтин пуллар олдинга қуйилма кейинчалик халқа шаклида бўлган, баъзи мамлакатларда олтин пуллар калта чивик сим тахтача шаклида бўлган. Мексикада эса паранда патларининг олтин зарралари тўлдирилган ўзаклари пул ҳисобланаган.

Оғирлигига қараб пулни ҳисоблаш усули олға ташланган муҳим қадам бўлди. Илгари Бирмада бозорга кетиш олдидан кумуш парчалари, болғага, чопқи, тарози ва қадоқ тошларни ғамлаб олишар эди. Керакли молни қидириб топишган савдолашиб кумушни сандонга қўйишади ва мол ҳақини тўлаш учун уни парчалашар эди. Кейин шу парчаларни тортиб кўрилар эди. Ҳом бўлса яна қўшади ортикчасини кесиб олади.

Кейинчалик савдогарлар метал парчаларни аниқ ва ҳар хил оғирликда олдиндан қирқиб ёки қўйиб тайёрлаб қўядиган бўлишган ҳаид пайтида ҳақ тўлаш учун чопқи болға искана керак бўлмай ўлчаси етарли бўладиган бўлди. Тамға босилган пуллар шу тариқа пайдо бўлган.

Дастлабки тангаларни пайдо бўлишини ривоятларга қараганда Эгина оролида Аргос подшоси Фейдоннинг ерида пайдо бўлган дейишади. Баъзи маълумотларда Лидияликлар зарб этишган дейишган. Кичик осиеда уларнинг қадимий олтин тангаси статер ҳисобланган. Бир томонида югуриб кетаётган тулкини тасвири туширилган. У Лидияликларнинг бош худоси Бассарейнинг рамзий тасвири ҳисобланган. Статернинг йўл-йўл ботиқ томонида ҳеч нарсанинг тасвири солинмаган.

Лидияликларнинг тангасидан сўнг подшо Фейдонинг муқаддас тошбақа суръати тасвирланган эгин статерлари кейин кичик Осиедаги бошқа грек шаҳарларининг тангалари пайдо бўлган. Булар олтин ва кумушнинг табиий қотишмаси бўлиши электрумдан ясалган бўлар эди.

Қадимий Грецияда савдо муомиласидадир ҳам (драхма) обол, халқоси ҳамда майда чақа лепталар юритилган.

Форсларни биринчи пули бу ҳам қадимий бўлиб, бир-бирига ўраб яссиланган икки қават мис симдан иборат бўлган.

Эрон подшоси Доро I Гуштасип эрдан анча илгари ўзининг машҳур дориларни зарб қилган эди, буларнинг ҳар бири 8,4 гр соф олтиндан иборат бўлиб уларда камон отаётган подшонинг тасвири туширилган.

Қадимги Римда ҳар бир эркакнинг ўз худоси дохийси бўлиб уни ўз паноҳида сақлайди. Ҳар бир аёлнинг маъбуда ҳомийси Юнона деб ишонишар эди. Аммо эркак ва аёл худоларнинг ҳаммаси еру кўк подшоси юпитер ва унинг хотини Юнон Монетага тобе экан. Римликлар пойтахтнинг капитолий тепалигини чўққисида Юнона Монета шарафига бағишлаб ажойиб ибодатхона қўришган. Улар пулларни фақат мана шу ибодатхонада зарб этишган ва ҳақда махсус конун қабул қилишган.

Шундан кейин Римда ва бошқа мамлакатларда метал пулларни *монета* яъни танга деб аташадиган бўлган.

Дастлабки танга кичкинагина оддий метал қуйилмасидан иборат бўлиб қўпол, ноаниқ шаклда бўлган. Кейинга уларга аниқ шакл бериб, устига чизик тортиб нуқталар қўйиб, расм соладиган, хат битадиган ёнига кунгиратор нақш чекадиган бўлганлар. Бундай тангаларни камайганини бир қарашда пойқаш мумкин эди.

Серви Тулли даврида зарб қилинган ассни қимдаги энг қадимий танга ҳисобланади.

Римликлар кумуш тангани эр.ав. 269 йилдан бошлаб, олтин тангаларни эса эллик йил кейин зарб қила бошлаганлар. Асосий пул бирлиги динор ҳисобланган.

Эрамизнинг IV асрида солидлар пайдо бўлган бир қадоқ олтидан 96 дона танга ясаганлар. Бошқа кўп мамлакатлардаги пул бирлигини номи масалан: Италиян солоди Француз суси, инглиз ва немис шилленги мана шу солиддан келиб чиққан.

Бошқа пул бирликларнинг номи ҳам шунга ўхшаб пайдо бўлган. Франция шаҳри тангаси-флорин: норман князининг тангаларига лотинча қилиб ёзилган “Сит тиби, Христе датус квем ту ипсе речес дукатус”-яни “Эй хукмдор Исо сен йўлга солган одамларгина сенга содик” деган иборадан иборат. *Дукат* “цекка” (*Зарбхонада*)-Венеция цехини: немисга Гольден (олтин) сўзидан-гульден, Италиянча “гросс” (йўғон) сўзидан чехларнинг гроши, украинларнинг грошиси келиб чиққан.

Литваликларнинг кумуш пуллари XIV асрда Украинада ҳам муомилада бўлган Металнинг қаттиқлиги ва рангига қараб сифатини аниқлаш учун тангани бир четини тишлаб кўрган. Тишланаверган тангаларга бир чети кемтик бўлиб қолган.

Бу кемтик литвачасига қарб дейилади. Ана шу пайтдан бошлаб бу тангаларни Украинлар қарбованец деб атай бошлаганлар. Фарбий европанинг “*талер*” сўзидан “*доллор*” келиб чиққан.

Тангалар ўз навбатида буларга сира ўхшамайдиган нарсаларга ном бўлиб қолган.

Масалан: “газета” сўзи венецияликларнинг кичкинагина тангачаси “газетте” сўзидан олинган, дастлабки газеталар ана шу тангачага сотилар экан.

Саррофлар дастлаб Шарқда, кейин Грецияда X асрдан эса европада пайдо бўлган.

Саррофликка ўз ишини ҳалол олиб бориш ҳақида қасамёд этганидан кейингина изн берилган. Қасамёд қаллоблик қилишга ҳалакит берган.

Муомилада олти тангалар чор Россияси ва бошқа мамлакатларда ҳар бир киши давлат зарбхоналарига олтин топшириб, ўрнига тангалар олиши мумкин эди. Перербергдаги Зарбхонада бир пуд олтидан танга ясаб бериш ҳақида 42 сўмдан сал ортиқроқ олишар эди. Иван Грозный вориси дарида танга зарб қилиш фақат подшонинг махсус ҳуқуқи бўлиб қолди. Шунгача ҳар бир княз ўз ўзига пул зарб қилиб олаверар эди.

Буюк Карл императориясида тангалар 95 жойда зарб қилинган. Танганинг оғирлиги метал пробаси, чиқарилган пулнинг миқдорини ўз ҳолига белгилаган. Бир йилда бир марта ярмарка вақтида танга зарб қиладиган князликлар ҳам бўлган Ярмарка ёпилиши билан пул зарб қилиш тўхтатилган.

Давлат зарбхоналари барпо этилгунга қадар тага зарб қилиш оддий хунар бўлган, сайёр танга зарб қилувчилар бир князликдан иккинчисига ўз асбоб ускуналари билан кўчиб юрилган, керакли штемлел, метални тайёрлаб, буюртмаси князга пул зарб қилиби беришган.

Сайёр пул зарб қилувчилар Қадимий Римда ҳам бўлишган. Улар саркардаларни ҳарбий юришларда кузатиб беришган, керак бўлганда армия эҳтиёжи учун танга зарб қилиб беришган. Греция ва Римда қадимий зарбхоналар ибодатхоналарга жойлашган. Франция қироли Карл Кал танга чиқариш ўз имтиёзи бўлиб қолишини давлатда ундан бошқа ҳеч қим зарб қилмаслигини истаган.

XVII асрда Россияда зарб хоналарни катта хазина Махкамаси идора қилади. Махкама тасдиқлаган дворян бевосита уни бошқариш эди. Дворяннинг хужжатларини ёзадиган сақлайдиган ёрдамчи дояк бўлган. Савдогарлардан сайлаб қўйилган шахс бошлиқ пул ишлаб чиқариш устидан кузатиб борган. Унга ёрдам бериш учун бир неча целовальниклар (мансабдор шахслар) ажратилади. Ишлов берилган метал ва тайёр тангалар ана шу целовальниклар қўлидан ўтган.

Ишчи “пул усталари” раҳбарлик қилишар эди. Пётр даврида уларни немисчасига “мюцнейстерлар” деб аташган. Металнинг софлигини, қотишма тайёрлаш тўғрилигини штемпеллар ва зарб қилишнинг сифатини шулар текширишган.

XVIII аср штемпеллари сақланиб қолган улар оғир ва содда ишланган.

Пётр даврида пул ишлари Москва зарб хонасида жамланган. Бу зарбхона Қитай город деб аталган районда эди. Шунинг учун зарбхона ҳам хитойгород деб аталган. Бундан бир оз кейин Москвада подшонинг 1696 йилги фаромнига мувофиқ “пул хазинаси қилиш учун” яна битта зарбхона пайдо бўлган.

Москвада бошқа зарбхоналар ҳам бўлган 1711 йил, 11 июлда сепат “кумуш пуллар” фақат хитой городдаги пул саройида, мис пуллар эса зарбхонада чиқарилсин деган ҳукм чиқарган.

Пётр даврида пулар қайси зарбхонадан чиққан бўлса ўша зарбхонанинг белгиси М-Москва, Б К-Большая Казна Н.Д.-Набережный двор, М Д-Московский двор қўйилган.

1719 йил 15 мартда Пётр I Москвадаги пул зарбхоналари барча асбоб ускуналари ва усталари ҳамда хизматчилари билан келгуси 720 йилда сўзсиз Санк-Петербургда кўчирилсин деб фармон берган.

1721 йил 28 февралдаги фармонига мувофиқ “олтин тангалари” зарб қилиш ва бу ишини бошқаришни намунали йўлга қўйишни таъсис этди.

Танга зарб қилишда штемпелнинг ихтиро қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ҳам сифат жиҳатидан ҳам миқдор жиҳатидан.

Техника содда бўлишига қарамай қадимий греклар ва Римликларнинг тангалари юқори сифатли бўлиб чиққан. Улар бошқа тангалардан аниқ равшанлиги ва тасвирларнинг бежиримлиги билан ажралиб тўради, Гровгорачилар ва зарб қилувчи усталарнинг санъати ўша пайтдаги асбобларнинг такомиллашмаган жойини қоплаб кетади.

Ўрта асрларга келиб танга зарб қилиш санъати сусайиб кетган, бу давр тангалари ёмон пала-партиш ясалган. Италияда уйғониш даврига келиб пул зарб қилиш яхшиланган. Асбоб ускуналарни яшаш билан истеъдодли кишилар шуғулланган.

Инженер ва Кассом Леонардо до Винчининг ўзи думалоқ тангаларни тўғри шаклда қирқадиган усулни қидириб топди.

Машхур ўймақор ва заргар Бенвенуто Челини зарб қилишда бўрама гресдан фойдаланишни таклиф этди.

Париж зарбхонасида тез орада биринчи бўлиб зарб қилувчи машина пайдо бўлди.

Ўтган аср бошларида рус механиги Неведомский пул зарб қиладиган ажойиб машина кашф этди. Бу машина мўраққаб ригачлар системаси ёрдамида ишларди.

Ишнинг сифати аъло даражада эди. Унинг кашфиёти шу қадар мукаммал бўлганки дунёнинг кўпчилик зарбхоналарида айна пайтга қадар ишлатилади.

Танга зарб қилиш пайтида олтин кўплаб нобуд бўлган.

Ўтган асрнинг XIX аср 20 йилларида АҚШ да зарбхона яқинидаги эски ибодатхона биноси томини шаҳарликлардан бири, сотишларини илтимос қилади. Ибодатхона жамоаси ҳеч шубхаланмай томни 3000 долларга сотган, Ишбилармон хиридор тунукаларни эритиб 8 кг га яқин олтин олган. Кейинчалик маълум бўлишига зарбхона мўрисидан трубасидан учиб чиққан кўзга кўринмас олтин зарралар ибодатхон томига кўнаверган.

Кейинчалик тангалар мустаҳкамроқ метал олтин ва мис, кумуш билан никел қотишмасидан ишланадиган бўлди. Соф мисдан, миснинг никел билан, қалай ёки рух билан қотишмасидан қилинган тангалар ҳам пайдо бўлди.

Тангалар гардиш думалоқ шаклини олган лекин ҳамма ерда ҳам бундай эмас. Бирма, Исроил ва бошқа бир қанча мамлакатларда разеткага ўхшаш тангалар чақаришган. Бундай танганинг шакли эгри бугридир. Ироқнинг 1959 йили чиқарилган 1 филслик тангаси қаламнинг ёғочига ўхшаб кўп кирралидир.

Ҳиндистонинг 1936 йилгача чиқарилган 2 анналик тангалари қизик У гардиш аммо ундаги тўгарак чуқўрчаси шу қадар кенгки тангани япалоқ Ўзукка ўхшатиб юборади.

Тангаларни сийқаланишдан сақлаш учун унга бўртиқ хошиялар ишланади. Бу тангалардаги тасвир ва хатларни сақлайди. Тангалардаги аниқ ва нозик тасвирлар уларни чиройли қилиши билан бирга тангани калбақилшатиришни ҳам қийинлаштиради.

Тангани хошиясига берилган кертиклар ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Бир вақтлар кертиклар ўрнига аррачалар қилинган. Баъзи давлатларда хошия устига хат ёзилган.

Биринчи тангаларга хат ёзилмаган эди. Уларни ўлик тангалар деб аташган.

Пётр рус тангаларига лотин ёзув туширишини рад этган.

Тангани тезроқ чиқаришни ўргатганларга эмас балки Россия давлатида уни қандай қилиб сақлаб қолиш усулида кўрсатган одамга раҳмат дейман деб жавоб берган. Пётр эски тангалар юзасини одатда хокимнинг суръати илоҳ ёки муқаддас ҳайвоннинг тасвири хокимятнинг символик белгиси ёзув эгаллайди.

Аммо гардишнинг четидан бирон ерида кичкина ғалати суръат, балик шакли, номсиз гул ва ҳ.к. турли чизиқлар борлигини кўрамиз. Бу танганинг намунасини ижод қилган уйган зарб қилган ижодкорнинг белгиси.

Псковнинг XV асрдаги тангаларда қуйидагича ёзувни ўқиш мумкин. “Псковлик замонинг пули” Пул зарб қилувчи Замониннинг номи йирик харфлар билан ёзилган

Иван III пулларида лотин харфида ижодқорнинг номи “Аристотелес” деб ёзиб ёзилган.

Пул зарб қилиш давлат ихтиёрига ўтиш билан зарбхоналарни махфий тутадиغان бўлишган. У ерга жуда оз одам оладиган бўлишган. Қаттиқ талаб қўйилган.

Қадимий грек зарбхоналарида фақат греклар ишлай олиши мумкин эди. Қадимий Римда зарбхона устаси касби отадан болага мерос қолар эди.

1740 йили сенат Санкт Петербург зарбхонасига хизматчиларни паспорт ва кафолат билан қабул қилинсин акс ҳолда бу сиз қабул этиш хавфли, ўғирлик бўлиши мумкин деб фармойиш берган. Хатто танга зарб этувчиларни уйларига юбормай қўйган кунлари ҳам бўлган. Натижада қадимги даврларданок зарбхоналарда исёнлар бўлиб турган. Аврепион даврида Рим танга зарб қилувчиларини қўзғолони жангга айланиб кетган.

Лондон зарбхонасига узоқ вақт буюк олим физик Исаак Ньютон директорилик қилган.

Оддийгина темир парчасида ёрқин бир тарихни кўриш мумкин. Масалан: ҳайвонлар, ўсимликлар яна мамлакатнинг усимилик ва ҳайвонот олами ҳақида маълумот беради. Радос ороли ўз тангаларида отиргулни зарб қилганлар ёки Рим тангасида Рим ва Ромул бўри тасвири ҳамда рим тасвирланган.

Тангаларда сиёсий қарашлар одамларнинг бир-бирига муносабатлари ҳам ҳиқоя қилинади.

Франция қироли Людовик XII нинг тангаларида шу акс эттирилган. У папа Юлий I нафрат билан қараганлиги учун тангаларга “Вавилон номини йўқ қиламиз” деган сўзларини ўйиб ёзиш буюрилган. Бунда ва вилон ҳақида гапирилганда папа кўзда тутилган.

Черковларнинг мудҳиш ишлари тангаларда қолган. Мана шундайлардан бири Ян-Гуснинг қатли муносабати билан чиқарилган тангадир. Ватикан душман устидан қилишган ғалаба шарафига махсус танга чиқаришни буюрган.

1572 йил 24 августда Варфолемей кечаси бўлиб ўтган, черков бу воқнани ҳам танга чиқариш билан нишонлаган. Унинг бир томонидан қирғин илҳомчиси папа Григорий XIII, 2 томонида қилич ва бут кўтарган фаришталар суйилган мўрдалар уюми олдида тургани тасвирланган.

1556 йили Нидерландия испан қироли Филип хукмронлиги остига тушиб қолади лекин халқ буйсунмайди. Натижада кўзғалончилар бўлажак ғалаба мустақиллик ва озодлик рамзи сифатида кўзғалончилар ўз тангасини чиқаради. Картондан ишлайди.

Хатто турли даврдаги модаларни ҳам тангалардан билиш мумкин. Римнинг баъзи тангаларида маликанинг расми зарб этилган бундай тангалардаги тузилган “портретлар галерияси” хотин қизлар причёскасини ўрганишга хизмат қилади.

Пётр I тангаларида қандайдир дўппайган бўртмаганлар бор, танга қанча катта бўлса бўртмаганлар ҳам шунча катта бўлган. Бу безак эмас ўқишни билмаганлар шу бўртмаганларга қараб пулни қиймани билишган.

Рим республикасида махсус амалдорлар танга зарб этиш устидан назорат қилди турганлар ҳар бир амалдор тангага ўз белгисини қўйган. Бундай амалдорлардан бирининг исми *Крассунед*-“йўғоноёқ” бўлган.

Инсоният тарихи тараққиёти улкан, паёндоз йўллари босиб ўтди, тараққиётни эволюцион йўли, инсониятни цивилизация сари етаклади.

Антик тараққиётни бошланиши санъат ва маданиятнинг ҳамма соҳаларига таъсир кўрсатиб ўзининг ривожланиши йўлида юқорида етган бўлса, бу даврининг тарих фанини алоҳида бўлими ҳисобланча нумизматика соҳасида ҳам диққат лойиқ ишлар қилинган. Металдан ишланган пул танга чақаларнинг пайдо бўлиши инсоният тарихидаги муҳим воқеалардан биридир. Маълумки жамият ижтимоий иқтисодий ривожланишининг ғоят юксак даражасига эришгандагина танга-чақалар кашф этилиши мумкин. Одамлар энди пул тариқасида чорва молларни ишлатмай қўйсаларда, буюмлар нархини илгариги одатга кириб қолган чорва мол нархига чакқанлар. Метал пуллар қирқиб тортила бошлаганидан кейин, уларни охиригини кўрсатиб берувчи белги сола бошлаганлар. Белги солинган пулни пайдо бўлиши ҳақида шундай Афсоналар сақланган. Римликларни кўпдан кўп худолари орасида, ихтироларни бошқарадиган худолар ҳам бор экан. Унинг иккита юзи бўлиб оти Янус экан. Дастлаб танга пулни ўша янус ихтиро қилган эмиш. Шунинг эски Рим ва Италия пулларининг бир томонида икки юзли Янус суръати, иккинчи томонида Янус тушиб қолган кема суръати зарб қилинган.

Танга пулларнинг дастлаб қаерда пайдо бўлганлигини аниқ айтиш қийин. Аммо танга пулнинг номи “Монета” Элликларда тузилган.

Қадимги Римликлар худоларни ҳаммаси ер ва осмон подшоси Юпитер ва унинг хотини Юнон монетага буйсунади деб билганлар. Монета-мўраббия дегани бўлади. Римликлар маъбуда монетани бениҳоя ҳурмат жойига ибодатхона солганлар. Улар урушларда ғолиб бўлганларидан кейин ўз маъбудаларига атаб катта қурбонликлар қилишган ҳатто пулларини фақат Юнон Монета ибодатхоналарида зарб қилишга қарор қилганлар. Ана шундан буён танга пуллар монета деб аталадиган бўлди.

Дастлаб қадимги дунёда танга пуллар фақат соф олтин ва кумушдан зарб қилинган. Аммо бу металар соф ҳамда жуда мўрт бўлганлигидан, ундан зарб қилинган пуллар тез ейилиб сийқаланиб кетган. Шундан кейин пулларни қотишма ёки кумушга бошқа металлар. Масалан: мис ёки қалай, қотиштирганлар.

Ҳар бир мамлакатнинг ҳукмдори бошқаларниқидан фарқ қиладиган танга пуллар зарб қилиб чиқришга ўринганлар. Нумизматика фанининг асосий тушунчаларидан бири бўлган танга пул хиллари ана шу тариқа пайдо бўлган. Танга пулларни одатда бетини ўраб турган доираси бўлади. Бу доирада ёзув ёки суръат бўлади. Нумизматлар ёзувни танга пулнинг Легендаси деб атайдди.

Суръатларга келсак одатда подшолар худолар суръати зарб қилинади ва бу суръатлар давлатнинг ёки подшонинг мухрини акс эттиради.

Қадимги Грецияда танга пулларга кўпроқ худолар, маъбудалар ва муқаддас ҳайвонларнинг суръатларини зарб қилганлар. Масалан Афина шаҳрининг танга пулларида маъбуда африка, суръати, Олимпия тангаларида Зевс суръати зарб қилинган.

Греklar улкан жаҳон импераясига асос солиши натижасида Ўрта Осиё ҳам, унинг таркибига қиритилди. Натижада умумий олди сотди савдосида пул жорий этилди. Эрамиздан аввалги 293-280 йиллар мобайнида Бактрия давлатининг шарқий вилоятлари ноити Саловканинг ўғли Антиох биринчи марта пул чиқаришга асос солди. Грек маданиятининг йирик вакиллари бўлиши Саловқидлар танга пулларнинг грек намунаси бўйича забт этдилар хусусан грек тилидаги ёзувлар ва подшоҳнинг акси туширилган тангалар чиқара бошладилар. Бу чиқарилган пулларнинг номлари ҳам турлича эди. Жумладан. Тилла, олтиндан қилинган пуллар стотер, кумуш пуллар-тетрадрахма, драхма, ярим жрахма деб аталган.

Хатто пулларни охирилиги грек қлчов бирлиги бўйича яъни тетрадрахмалар 16 гр. Драхмалар 4 грни ташкил этган. Кундалик савдода фойдаланиш учун мулжалланган мис тангалар ҳам чиқарилган.

Грек-Бактрия подшолиги пуллари кўпчилик ҳолларда Селевка анъаналарини давом эттирган. Танга юза томонида подшони расми орқа томонда эса грек худоларидан (Апполлон, Артемида, Афина, Геакл, Зевс, Посейдон ва бошқалар) бирининг расми ифодаланган. Аммо маҳаллий таъсир ҳам пул зарб қилиш ишларида сезиларли бўлган. Жумладан грек худоларининг баъзи бир хусусиятлари Шарқ худоларининг баъзи жиҳатларига ўхшаш ҳолда акс эттирилган.

Грек-Бактрия тангалари медал яшаш санъатининг гўзал намуналари ҳисобланади. Қичикина юмалоқ доирага туширилган подшоларнинг расми бизнинг давримизгача етиб келган ўша ҳукм дорларнинг яккаю ягона асл расми ҳисобланади. Бу расмлар тарихий шахсларнинг қўлёзма манбаларида ифода этилмаган қиёфалари ва ҳис ҳаяжонларини акс эттиради.

Ўрта Осиёда зарб этилган Селевка тангалари жуда оз миқдорда топилган бўлса, Грек-бактрия тангалари эса аксинча ана шу умумий миқдорнинг кўп қисмини ташкил этади. Грек Бактрия кумуш тангалари хазинаси (100 донага яқин) Қашқадарё водийсининг Қитоб шаҳри атрофидан топилган.

Ўзбекистон терриориясида XIX аср охири XX аср бошларида коллекционерлардан сотиб олинган Аҳмонийларнинг қатор дарик –(олтин тангалари) ва сикллари-(кумуш тангалари) сотиб олиниши Аҳмонийлар даврига мансуб тилла ва кумуш пулларни Суғд ва Бактрияга кириб келганлигидан далолат беради.

Геродотни ёзиб қолдирган маълумотларга кўра Суғд, Хоразм, Бактрия, аҳмонийларга талант-яъни пул бирлигида ўлпон тўлаганлар.

## МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

1. Янус
2. Юнон монета
3. Легенда

4. Антиох
5. Тетрадрахма
6. Драхма
7. Дирик
8. Статер
9. Антик

## **МАВЗУ: Қадимги давр Ўрта Осиё тангалари, Юнон Бақтрия, Тетрадрахма**

### **РЕЖА:**

1. Грек драхмаларини муомлада бўлиши.
2. Хоразмда дастлаб зарб қилинган тангалар

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, Мулоқот 5 сон 1998 й
2. И.Е.Аминжонова Қадимий ёдгорликлар қиссаси. Тошкент 1968 й
3. В.Б.Қобрин Вспомогательные исторические дисциплины Москва 1984 г
4. Фан ва турмуш Б.Когнев. т.ф.д. Ўзбекистон пулари 5-6 сон 1995 й

Металдан ишланган пул танга чақаларнинг пайдо бўлиши инсоният тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

Маълумки жамият иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг юксак даражасига эришгандагина танга чақалар кашф этилиши мумкин. Дастлабки танга чақаларни пайдо бўлиши миллоддан аввалги XII асрда Кичик Осиёда пайдо бўлади. Танга зарб этиш Ўрта денгиз бшйи мамлакатларига тез тарқалди. Пулни пайдо бшлиши билан, савдо сотиқ ривожланиб Узоқ яқин мамлакатлар ўртасида карвонлар муттасил қатнай бошлаган. Шу тарика таракқиёт учун хизмат қила бошлаган.

Йирик салтанатнинг қарор топиши билан ҳар бир мамлакат кўпроқ бойлик орттириш иштиёкида бўлди. Савдо сотиқ ишларини ривожланиши, карвонлар қатнови, уруш қилмай туруб бойликларни кўлга қиритиш мумкингини кўрсатди. Натижада ўзга юртдан келган савдогарлардан солиқ олиш одат тусига қирди, бунинг учун қулайи тангаларни пайдо бўлиши эди. Юнон шаҳарлари танга зарб қилиш тарихида муайян ўрин тутди. Ўрта Осиё ва Яқин шарқдаги ноёб қазилма бойликларни кўлга қиритган. Искандар Зулкарнай нодир мамаъдалардан ўз юртларида танга зарб қилдирдилар ва бу пуллар Ўрта денгиз қирғоғидаги борча мамлакатларга муомилага қиритилган. Рим давлатини кучайиши билан миллоддан аввалги III асрдан бошлаб бронза ўрнига олтин тангалар зарб қилина бошланган. Узоқ йиллар давомида муомилада бўлган.

Милоддан аввалги VI асрда Эрон ва Ўта Осиёни катта қисмини ўз ичига олган. Аҳмонийлар империяси таркибига тарқалди.

Милоддан аввалги VI асрда А.Македонский Аҳмонийлар имперасини барбод этди, унинг вафотидан кейин, шарқий ерлар Саловкийларга ўтди. Аҳмонийлар ҳамда А.Македонский тангалари Ўрта Осиёга келди лекин

айрим ноёб нусхаларигина эди. Саловкани ўғли антиок давридан кумуш тангалардан ташқари, мис чақаларни кенг кўламда кириб келиши кузатилади.

Милоддан аввалги III асрда Ўрта Осиёда пул муомиласи бошланади. Шу асрнинг охирларида ўрта Осиёни ўз тангалари пайдо бўлади. Антиохни кумуш тангачаларига ўхшатиб зарб этилди.

Тангани олд томонидан чамбарга олинган подшоҳ Бюсти, орқа томонидан юганланган шоҳли от билан ва хукмдор номи битилган (“подшоҳ Антиох”) юнон ёзуви кўзга ташланади. Антиоз асл тангаларидан фарқи шуки, Ўрта Осиё тангаларидаги тасвирларни сифати паст, бўлиб ёзуви бўзиб берилган. Самарқандда зарб этилган.

Милоддан аввалги III аср ўрталарида Салавқийлар хукмдорлигини шарқий худудларида Грек-Бактрия подшолиги юзага келади. Грек-Бактерия тангалари юқори дид билан ишланган бўлиб ҳар бир тангада доира ичида подшоҳни тасвири унинг учқи моҳиятини очиб берадиган тарзда заргарона санъат билан бажарилган. Бу давлат тангалари Сўрхондарё вилоятида кўп учрайди. Бухоро воҳасида йирик кумуш тангаларни 50 нусхадан иборат, хазина топилган.

Грек Бактрия хукмдорлари асосан кумушдан базан олтин ва мисдан айрим ҳолларда мис никел қотишмасидан зарб қилинган. Бу тангаларни машҳурлиги шунга олиб келдики Ўрта Осиёни кўпгина худудларида жанубий Амударё бўйи вилоятларида Бухоро ва Хоразм воҳаларида шу тангаларга ўхшатиб тангалар чиқарилди.

Милоднинг I-III асрларида Ўзбекистонни жануби, Афғонистон ҳолида шимолий Фарб Ҳиндистонни ўз ичига олувчи кушон империяси таркиб топган. Зарб қилинган илк кушон тангаларида грек-бактерия таъсири яққол сезилади. Лекин кейинроқ, кушонни ўзига хос алоҳида тангалари пайдо бўлади. Бу даврдаги тангалари пайдо бўлади. Бу даврдаги тангаларда будда тасвирини ҳам кўриш мумкин.

Кушон тангаларини аксарияти олтиндан зарб қилинган. Бундан ташқари мисчақалар ҳам чиқарилган. Масалан: Сўрхондарё вилояти худудида шаҳарларда эмас балки кичикроқ қишлоқларда ҳам кўп учрайди.

Фарғона водийсида Хитой тангалари тез-тез учрайди. Бошқа вилоятларда эса Рим тангалари кўзга ташланади (ўратепада шундай тангалар хазинаси топилган).

Илк ўрта асрларда (V-VIII асрлар ) жаҳон мамлакатлари билан кенг кўламдаги савдо ва маданий алоқалар янада фаоллашди. Хитой билан алоқаларни янада кучайиши натижасида Ўрта Осиёни айрим вилоятларида Хитой намунасидаги тангалар зарб этила бошланди. Кўп асрлар мобайнида Хитойда мис (ёки бронза) дан ишланган ўртасида квадрат тарзидаги уйиқли тангалар ягона пул хизматини ўтаган улар зарб этилмай балки қуйилган.

Шундай Хитой тангалари тақлотидаги (аммо Хитой исроглифиларсиз) ўртаси қийқ қуйма тангалар Самарқанд сўғдида, Бухоро воҳасида Фарғонада, Етти сувда ва Амударё бўйи вилоятларида чиқарилган.

